



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2020 йил  
3 октябрь

ШАНБА  
№ 66 (13327)

@haqiqatonline

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланиши, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиши имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон оstonаси мактабдан бошланади десам, халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



## Янги Ўзбекистон оstonаси мактабдан бошланади



Кунни кеча давлатимиз раҳбари видеоконференцадоқ орқали мамлакатимиз устоз ва мураббийларини байрам билан табриклар, нутқ сўзлади.



Вилоят ҳокимлигининг мажлислар залидан туриб мазкур анжуманда иштирок этган устоз ва мураббийлар, вилоят фаоллари Президентимиз нутқини катта эътибор билан тинглади.

Иштирокчиларга ўзгача кўтаринчилик бағишлаган мазкур

анжумандан сўнг, бир гуруҳ фаоллар мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, Юртбошимиз нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, бу жараёнда вилоятимизда фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни хусусида фикр билдиришди.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов соҳа фидойиларини касб байрамлари билан самимий кутлаб, эсдалик совғалари топширди.

Нозимжон ИСМОИЛОВ  
олган суратлар

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатишга қаратилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони мувофиқи, мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юрдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

**Мусаев Абдурашит Ибрагимович** – Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг эшак эшиш бўйича катта мураббийи

«Меҳнат шухрати» ордени билан

**Краснолобова Наталия Рафаэловна** – Нурафшон шаҳридаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**Юлдашева Равза Таҳиддиновна** – Олмалиқ шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Кенжаева Фарида Жумаевна** – Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директори

«Дўстлик» ордени билан

**Ботиров Низомидин** – Қўқўрғон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Гладкова Любовь Ефимовна** – Янгийўл шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Кучкаров Шакир Усканович** – Бўстонлиқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**Мирзаев Фархад Камбарович** – Янгийўл шаҳар ҳокими

«Шухрат» медали билан

**Анаркулова Барно Раҳматовна** – Янгийўл шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг 9-Б синф раҳбари, технология фани ўқитувчиси

**Садикова Нафиса Бобаназаровна** – Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси

**Самандарова Майрам Абдуқаюмовна** – Бекобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси

**Юлдашева Нилуфар Абдурауфовна** – Қибрай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

## МИЛЛАТ ва ЖАМИАТ ТАЯНЧИ

Миллатнинг асосий белгиларидан бири тил ҳисоблангани учун ҳам ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улуғлаши ва шу билан бирга бошқа халқларнинг тилига ҳурмат билан қараш лозим. Зеро, тилга ҳурмат – элга ҳурматдир.

Дарҳақиқат, давлат тилининг мустаҳкам ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилгани тилимизнинг бой имкониётларидан кенг фойдаланишга етарлича замин яратиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилиниши баробарида, ўзбек тилининг эркин муомалада бўлиши учун зарур шарт-шароитни яратиб берди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда.

4

## Муносабат

Ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақати бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масала бу, шубҳасиз, таълим-тарбиядир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш ва жамиятдаги мақоми юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, бу йилги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири илк бор давлатимиз раҳбари иштирокида ўтгани таълим ва тарбия масаласи мамлакат сиёсатининг устувор йўналиши эканини амалда исботлади. Давлатимиз раҳбари юрт

## ИЛМГА ИНТИЛИШ ҚОНИМИЗДА БОР

равнақини белгиловчи муҳим омил айнан таълим-тарбия, илм-фан эканидан келиб чиқиб, устоз ва мураббийларга одатий табрик эмас, балки мурожаат билан чиқди. Буни, албатта, юрт келажига бўлган эътиборнинг юксак намунаси дейиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллар таълим тизимида муҳим ўзгаришлар, янгиларга бой бўлди. Аввало, ўқитувчилик касбининг мақоми юксалди, десак муболага бўлмайди.

Байрам арафасида Президентимиз томонидан янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг имзолангани

мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнлари янги поғонага кўтарилишига муҳим асос бўлади. Қонунда педагог ҳодимларнинг касбий шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида экани, уларнинг касбий фаолиятига аралашиб, хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ўқитувчиларни кўп йиллардан буён уйлантириб, қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## Олимпиадачилар тақдирланди

Рағбат

Хабарингиз бор, пандемия туфайли Токио Олимпиада-Сиси келгуси йилга қолдирилди. Айни пайтда мазкур катта спорт мусобақасига йўлланмани қўлга киритган спортчилар тайёргарликни кучайтиришган. Хусусан, вилоятимиз спортчилари ҳам бу жараёнда фаол.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов бир гуруҳ спортчилар ва мураббийларни қабул қилди. Самимий мулоқот давомида вилоятда оммавий спортни ривожлантириш, Олимпия уйинлари таркибига киритилган спорт турларига эътиборни кучайтириш, муваффақиятга эришган спортчи ва мураббийларни рағбатлантириш борасида қилинган ишлар

ҳақида сўз борди.

Шу кунги вилоят ҳокими Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия уйинларига йўлланмаларни қўлга киритган спортчилар – Элнур Абдураимов (бокс), Турсуной Раҳимова (бокс), Акбар Жўраев (оғир атлетика)га "Jentra" русумли автомашина қалитларини топширди. Шунингдек, спортчиларнинг мураббийлари –

бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Тўлқин Қиличев, бокс бўйича мураббий, Олмалиқ шаҳридаги БЎСМ директори Озод Ҳасанов ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Тошкент вилояти вакили Азамат Турабовга ноутбук совға қилинди.

Учрашувда таъкидланганидек, мазкур эътибор давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда оммавий ва профессионал спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар самараси бўлиб, бундан кейин ҳам тенгдошларига ўрнатилаётган, чет



элларда Ватанимиз байроғини банд кўтараётган юрдошларимиз мунтазам рағбатлантириб борилади.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ вилоят ҳокими томонидан Токио Олимпиадасига йўлланма олган яна бир спортчи – Элмурод Тасмуродга уй совға қилинган эди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати



# ИЛМГА ИНТИЛИШ ҚОНИМИЗДА БОР

Эндиликда мажор Қонун билан таълимда кўп ўзгаришлар бўлади. Бу ўзгаришлар орасида нодавлат таълим ташкилотлари умумий ўрта ҳамда ўрта махсус таълим бериши мумкинлиги, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртки, кечки, масофавий) учун шароит яратилгани, оилада ва мустақил таълим олиш мумкинлиги, инклюзив таълим олиш шакллари белгилангани жуда муҳим янгиликлар бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

Бу ўзгаришларнинг барчаси мамлакатимизда таълим тизими тубдан янгиланишига, таълим олиш эркинлашишига, педагоглар фаолияти фақат таълим-тарбияга қаратилишига, уларнинг меҳнати қадрла-ниши ва қонун билан ҳимоя қилинишига шароит яратади. Ўрниги, таълим масаласида жамиятимизда замонга мос янги муҳит шаклланади.

Дарвоқе, пандемия шароитида ўқитувчи ва педагоглар меҳнати қанчалик машаққатли эканини ҳаммамиз янада

чуқурроқ англаб етдик, ҳар биримиз тегишли ҳулосалар чиқардик, албатта.

Айни пайтда ўқитувчи ва педагогларимиз олдида ҳам янги чақирувлар, онлайн таълим-тарбия, ўқувчиларнинг ахборот асрида тез ўзгараётган руҳиятига мос келадиган илгор кўникмаларни эгаллаш билан боғлиқ долзарб вазифалар турибди. Бу йилда барчамиз соҳа фидойиларига камар-баста бўлишимиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватла-шимиз керак.



Зеро, Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда айтганидек: "Мақтаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мақтаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур. Агар барчамиз биргаликда интилкас, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай банд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, "илиги тўқ" халқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор."

Раъно ТУРДИБОЕВА,  
Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей директори

# МУРАББИЙНИНГ МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Ҳар биримизнинг ҳаётда эришган натижалари-миз, ютуқларимиз кун ўтиб тарихга айлана-ди. Аммо, у туфайли кишида иштиёқ тобора ортиб бора-веради. Унинг таъсирида кел-гусидаги мақсадларимизга ўз-гача шахд билан киришамиз, изланамиз, имкон қидира-миз. Бугунги сўхбатдошимиз, қибрайлик жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ҳилола Кен-жаева ҳам изланиб, имкон то-падиганлардан.



– Ўтган йил мен учун ҳар томонлама омадли келди: "Жисмоний тарбия ва спорт аълочили" кўрак нишонига лойиқ кўрилдим. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2019" республика танловида иштирок этиб, ғалаба-га эришдим. Биринчи ўрин соҳибларига 3 миллион сўм мукофот пули берилиши белгиланган эди. Аммо, ва-зирлик ўзгартириш киритиб, 10 миллион сўмлик ютуққа эга бўлдим. Очиги, мукофот билан бирга катта масъули-ятни ҳам елкамга олганимни англадим. Сабаби, тақдир-ланганингиздан кейин одам-лар сизни бошқачароқ кузата бошлайди. "Шу эътирофга лойиқми ўзи", дейди. Бу аслида жуда тўғри талаб. Мен ҳам шундай уйладим ва аввалгидан кўпроқ изланиш-га, соҳага оид янгиликларни амалда синаб кўришга ки-ришдим. Магистратурада ол-ган билимларимни дарсла-римда татбиқ этдим.

Меҳнат фаолиятимни Қи-брай туманидаги 30-мақтабда бошладим. Болалар билан ишлаб, тажриба орттирдим. Мақтабда саломатлик йўлак-часи ташкил қилгандик. Унда болалар билан янгича ва фойдали усуллар самарасини синаб кўрдик. Аслида, янгича жисмоний машқларни аввал уйда, фарзандларим билан бажарамиз. Уларда яхши на-тижа берса, ўқувчиларда ҳам синаб кўраман. Шундай услуб-лардан бири, дарсга кириш олдида болага соғломлашти-ришга оид муаммолар эшит-тириш бўлиб, бунда ўқувчи дарсини яхши кайфият билан бошлайди. Маълумки, кай-фият яхши бўлса, натижа ҳам ижобий бўлади.

Аммо, кейинги иш жойим – 42-маҳсус ногирон бола-

лар мактабида анча қийин бўлди. Сабаби, бу мактабда жисмоний тарбия фанининг ўзи бўлмаган. Ўзимни шу мактабда синаб, имкони-яти чекланган болаларни соғломлаштириш чоралари-ни топишни, уларга ёрдам беришни истадим. Улар би-лан 6 ой ишладим. Ҳар бир ўқувчимнинг касаллик тари-хини ўрганиб чиқиб, шунга яраша муомалада бўлдим. Алоҳида эътибор талаб қи-ладиган болалар билан жуда эҳтиёткор бўлиш керакли-гини англадим. Мисол учун, қўлини қимирлата олмай-ланганингиздан кейин одам-лар сизни бошқачароқ кузата бошлайди. Пандемиядан аввал улар билан умумривожлантириш машқлари, эстафета уйинла-ри ва бошқа кичик танловлар ўтказиб, голибларни тақдир-лар эдик. Рағбат уларни жуда қувонтиради. Бундай ишлар-ни яна давом эттириш керак.

Мажор мактаб раҳбария-ти билан болаларга керакли шароитларни яратиб бериш чораларини кўрдик. Кези кел-ганда айтиб ўтмоқчи эдим, айрим мактабларда замона-вий спорт иншоотлари йўқ. Бундай вазиятда фан ўқитув-чиси ташаббус билан чиқиши, раҳбарларни ишонтира олиши керак. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бугун долзарб масала. Бунга, айни-қ-са, соҳа кишилари кун маса-ласи сифатида қароши керак.

Бир йил аввал рағбат-лантирилганимда уйлаган мақсадларимни озми-кўп-ми амалга оширдим. Бугун улар ҳам ортда қолди. Эртага эса, докторантурани тамом-лаб, янада янги режаларга шўнғиб кетаман.

Мадина АБДУСАМАТОВА  
Тошкент ҳақиқати/  
ёзиб олди

# Вилоят Бўйлаб

АНГРЕН шаҳар Давлат хизматла-ри маркази томонидан "Ангрен" эркин иқтисодий зонасидаги "ALLFINE HYGIENE" масъули-яти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона-да сайёр қабул ташкил этилди. Ишчиларга бир қатор йўналишлар (пенсия тизимига ҳисобга қўйиш, электрон рақамли имзо, СТИР олиш, наркология ва руҳий касал-ликлар бўйича ҳисобда туриш ёки турмаслик тўғрисида маълумотномалар олиш) бўйича 10 дан зиёд давлат хизматлари кўрсатилди.



БЕКБОД туманида Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги ва Бош вазир қабулхонаси туман бўлим-лари томонидан "Бизнесга бир қадам" мавзуида тад-биркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган ёшлар учун ўқув семинар ташкил этилди.

Семинарда кредит олиш, ер ажратиш, қурилиш ишларини олиб бориш ва солиқ имтиёзлари тўғриси-да батафсил маълумотлар берилди.



ҚИБРАЙ тумани ҳокими туркиялик инвестор – "Baktat Zeytin" корхонаси раҳбари билан учрашди. Учрашувда корхонани бунёд этиш бўйича ҳоким-лик мутасаддилари туркиялик сармоядор билан ва-зифаларни белгилаб олишди.



Бурчмулла қишлоғида аҳолининг ортиқча сарсон-гарчиликларига чек қўйиш мақсадида БУСТОНЛИҚ тумани Давлат хизматлари марказининг филиали иш бошлади.

Мажор марказ вилоятдаги олтинчи филиал бў-либ, фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилишида очкичлик, тезкорлик ва шаффофликни таъминлашга, одамлар ортиқча вақт йўқотишининг олдини олишга хизмат қилади.



ВИЛОЯТ жисмоний тарбия ва спорт бошқарма-си бошлиги соврини учун "Раҳбар кубоги" мусобақаси якунланди.

Унда бошқарма тасарруфидаги таълим муасса-салари ходимлари иштирок этишди. Қатнашчилар мини футбол, волейбол ва стол тенниси бўйича бел-лашди.



# Ҳамкорлик

Оҳангарон тумани-да «Ўзчармсановат» уюшмасига аъзо тадбир-корлик субъекти – «East Mining Invest» корхонаси Туркиянинг йирик ком-панияларидан бири би-лан ўзаро ҳамкорликда газобетон ишлаб чиқа-ришни бошлади.



Лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион доллар бўлиб, унинг 6 милли-они тўғридан-тўғри хорижий инвести-ция ҳисобидан тўлдирилди.

Айни вақтда корхонанинг биринчи линияси ишга тушди. Иккинчи линия 2021 йилнинг баҳорида якунланиши кўзда тутилган.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқа-риш қуввати 120 минг метр куб газобет-он блокни ташкил этади. Унинг фа-олияти доирасида 150 га яқин иш ўрни яратилади.

Ушбу лойиҳа тўлиқ ишга тушган, умумий қиймати 131 миллион евро миқдоридagi тўғридан-тўғри инвести-циялар жалб этилган ҳолда, 5 та худ-дудда ишлар изчил давом эттирилади.

Аммо, кейинги иш жойим – 42-маҳсус ногирон бола-

# Маслаҳат

Зангиота туманидаги "Ну-Зронийлар маскани"да "Ибрат мактаби" номли маърифий тадбир бў-либ ўтди. Унда фуқаролар йиғинлари вакилла-ри ҳамда нуруний отахон ва онахонлар ишти-рок этишди.

# КЕКСАЛАР ҲАР ИШДА ИБРАТ



Хабарингиз бор, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қатагон қурбонлари хотира музейи ҳамда "Ну-руний" жамғармаси ҳамкорликда вилоятлар кесимида хотира китобини нашр этиш-га киришилган. Китоб учун мустабид тузум вақтидаги қатагон сиёсатининг қурбон-лари ҳақидаги маълумотлар-ни тўплаш, умумлаштириш ва китоб учун тавсия этишга фуқаролар йиғинларининг зиммасига катта масъулият юкланмоқда.

да тўхталиб, 1930-1950 йилларда қатагонга учра-ганлар ҳақидаги маълумотларни аниқ ва имкон қадар тўлиқ жамлаш учун жараёнга тарихчи олим-лар ва соҳага тааллуқли бошқа илмий муассаса




вакиллари ҳамда кенг жамо-атчиликни жалб этиш мақ-сада мувофиқ эканлигини таъкидлашди.

Тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Со-диқжон Турдиев сўзга чиқди

Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА  
Даврон АҲМАД  
олган суратлар

# ЯГОНА ЭЛЕКТРОН АРХИВ у ФХДЁ идораларида нечоғлик муҳим?



Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоят ФХДЁ бўлимлари томонидан 50 минг 337 та туғилди қайд этилган, 16 минг 701 та оила никоҳдан ўтган. Ажримлар сони ҳам кам эмас: 2 минг 79 та. Шунингдек, 14 минг 662 та ўлим ҳолати расмийлаштирилган.

Бу ҳақда Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармасида ўт-казилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан бошқар-ма бошлиғи Х. Файзиев ФХДЁ ор-ганларининг ишини самарали му-вофиқлаштириш, соҳага малакали кадрларни жалб қилиш орқали аҳолига сифатли давлат хизматла-ри кўрсатишни таъминлаш, айни-қ-са, тизим ишига замонавий ахбор-от-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганли-ги тўғрисида ахборот берди.

Таъкидлаш керакики, архив ҳуж-жатларини рақамлаштириш бора-сида Президентимизнинг 2020 йил 4 августдаги "Аҳолига давлат ижти-моий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини авто-матлаштириш бўйича қўшимча чо-ра-тартиблар тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ма-жор қарор билан Адлия вазирлиги-да 2021 йилнинг 1 январига қадар "ФХДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизими-да автоматлаштирилган тартибда олиш имкониятини яратди.

Албатта, соҳада амалга ошири-лаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, мажор муаммо ва салбий

ҳолатларни ҳам инкор қилиб бўл-майди. Коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда Адлия вазирлиги, Агентлик ва бошқарма томони-дан олиб борилаётган профилакти-к ишлар, ўтказилиб келинаётган сирли миқоз ва рейд тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида фаолиятида хато ва кам-чиликларга йўл қўйган 10 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан, жиддий қонун-бузилиши ҳолатига йўл қўйган 3 на-фар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Ҳисобот даври давомида 112 нафар фуқаро ФХДЁ органлари ходимларининг хатти-ҳаракатла-ридан норози бўлиб, турли идора-ларга шикоят қилишган. Шундан 35 таси (31 фоиз) қаноатлантирилган ва тегишли ходимларга нисбатан чоралар кўрилган.

Шунингдек, тадбирда яқинда-гина ҳукумат қарорига асосан соҳа ходимларининг моддий манфа-атдорлик даражасини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилангани, бу эса аҳолига қўрсатиладиган хизматлар сифатининг янада ошишига замин яратилишига ҳам алоҳида урғу берилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ  
Тошкент ҳақиқати/  
Аброр ЭСОНОВ  
олган сурат



Қарор ва ижро

# РАҚАМЛАШТИРИЛАЁТГАН СУДЛОВ

Президентимизнинг жорий йил 3 сентябрь кунги имзоланган «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасидаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Қолаверса, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштиришга ҳам туртки берди.

Дарҳақиқат, судлар фаолиятида рақамлаштириш жараёнини кенг татбиқ этиш бугунги куннинг ўта муҳим вазифаларидан бирига айланди. Чунки, айна пайтда судда иш кўрилганда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви асосан қоғоз шаклида амалга оширилади. Бу эса одамларни сарсон қилади ва вақтини олади.

Қарор билан 2017-2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб муурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқ тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимларини жорий этиш қатъий мустаҳкамланди.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, судлар фаолияти рақамлаштирилиши бир қатор қўлайликларни яратди. Биринчидан, бунда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари кенгайтирилади. Шунингдек, ҳар бир муурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилиши таъминланади. Қолаверса, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имконияти ошади.

Энг муҳими, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тежорлик билан олинишига эришилади. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви янада кенгайтирилади.

Яна бир ўта муҳим жиҳат шундаки, мазкур рақамлаштириш тизими орқали суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти ҳам яратилади.

Тан олиш керак, илгари муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни олиш учун фуқаролар бир неча кунлаб, ҳатто ойлаб овора бўлишарди. Мазкур қарорда эса ушбу муаммага барҳам берадиган алоҳида банд белгиланди. Яъники, эндиликда маълумотлар ва ҳужжатлар судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олинади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор орқали фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари кенгайтирилади. Энг муҳими, ҳар бир муурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш имконияти пайдо бўлади. Суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш янада осон кечади.

**Жонибек ТАНГМАТОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди  
девокхона мудири

## Дарвоқе

Кўзни унча хушламасдим. У билан боғлиқ оғриқли хотираларим Кўнунга йўл бермасди. Бир вақтлар шу фасл келди дегунча қишлоқлардаги мактаблар ёпиларди. Ўқитувчи-ю ўқувчилар турнақатор автобусларда бошқа ҳудудларга олиб кетиларди. Хуллас, қимирлаган жон борки далага – пахта йиғим-теримига жалб қилинарди. Касалми-соғми, биров сўраб ўтирмасди. Қайсидир сабаблар билан пахтага чиқмаганларни салкам давлат сиёсатиға қарши чиқишда айблашарди. Йиғим-терим мавсумидаги азоб-укубатларниқу гапирмасам ҳам бўлаверарди. Буни қишлоқда туғилганлар жуда яхши билишади.

# Мажбурий меҳнат йўқ, ИХТИЁРИЙ ИМКОНИЯТ БОР

Ҳа, ўша кезлар «Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди», «18 ёшга тўлмаган болалар меҳнатидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади», деган баландпарвоз гаплар фақат қоғозларнинггина беэзаб турарди, холос...

Айни йиғим-терим палпасида ОАВларда, ижтимоий тармоқларда, вазирлик ва идораларнинг сайтларида телеграм каналларда бот-бот такрорланаётган «2020 йилги пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик, теримчилар учун шарт-шароит яратиш» каби иддаоларни кўриб, ўқиб, эшитарканман, беихтиёр хаёлдан ўша азобли кунлар ўтди.

Шукрки, у кунлар ўтмишга

айланди. Энди ҳеч ким пахтага мажбуран жўнатилмайди. Уни фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида хоҳловчилар таради.

Таъкидлаш жоиз, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳам самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, Федерация бир неча йилдан буён фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан миллий мониторинг

ўтказиб келмоқда.

Бундай мониторинг жорий йилда ҳам Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (УзННТМА)га аъзо фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида 23 сентябрдан 31 октябрга қадар ўтказилади. Унда иштирок этиш учун халқаро қасаба уюшмалари марказлари вакиллари ҳам тақлиф этилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур мониторингдан қўзланган мақсад пахта йиғим-теримиға 18 ёшга тўлмаган шахслар, ўқувчи ва талабалар, бюджет ташкилот-



лари ходимларини мажбурлашга йўл қўйилмаслиги юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборатдир. Бундан ташқари, пандемия даврида теримчиларга яратилган шароитлар, қўлда терилган пахта учун тегишли миқдорда ҳақ тўлашни ҳамда фермер хўжаликлари билан меҳнат шартномаси, фуқаролар билан мустақил равишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси ёки фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузилганлиги назорат қилинади. Мониторинг давомида аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилиб, мутасадди ташкилот ва идораларга мунтазам равишда ахборот бериб борилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган «Қайта алоқа механизми» ташкил этилган бўлиб, мавсум давомида

кечаю-кундуз фаолият юритади. Бундан ташқари, мавсумда 10-92 қисқа рақамли «Ишонч телефони», интернет сайтлар, телеграм каналлари ҳам кенг жалб қилинади. Яратилаётган имкониятлардан аҳолини хабардор қилиш мақсадида туман ва шаҳар марказларига 400 та баннер, корхона, ташкилот, муассаса ҳамда аҳоли гавжум жойларга 10 мингта плакат жойлаштирилди, 200 мингдан ортиқ флаер тайёрланиб, меҳнаткашлар ҳамда аҳоли вакилларига тарқатилди.

Хуллас, шунақа гаплар. Бизнинг даврда бундай имкониятлар қайда эди, дейсиз. У вақтларда «оқ олтин» ҳамма нарсадан муҳим саналарди. Мадрдоҳликка йўймангку, бундай кунларни пахта далаларида эгата бов эганча орзу қилардик...

Дарвоқе, хозир бу фаслга муносабатим ўзгарган.  
**Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ**

# МАВЗУГА ДОИР

Вилоятимизда пахта йиғим-терими вақтида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда ҳудудларда теримчилар учун яратилган шароитлар республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилапти. Нурафшон шаҳридаги «Ёшлар» марказида мазкур ишчи гуруҳ томонидан бир ҳафта давомида олиб борилган ўрганишлар натижаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда ишчи гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаевнинг ҳисоботи тинланди.

Қайд этилишича, вилоятда мавсумга пухта тайёргарлик қўрилиб, терим олдида 1 минг 693 та отряд ташкил қилинган. Отрядлар таркиби 127 минг нафар теримчилардан иборат. Бундан ташқари, 142 та пахта териш машинаси, 1 минг 98 та ташувчи транспорт, 3 минг 400 дона тарози, шунингдек, 254 минг дона этак ҳозирланди.

Утган бир ҳафта давомида ишчи гуруҳ томонидан 7 та ту-

манда назорат тадбирлари ўтказилиб, мазкур ҳудудлардаги 6 та пахтачилик-тўқимачилик кластерлари фаолияти билан танишилди. Бундан ташқари, танлов асосида 15 та фермер хўжаликлари далаларида бўлинди. Жойларда қарийб 1 минг 400 нафар теримчи билан суҳбатлашилди. Қолаверса, 17 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 12 та маҳаллий корхона-ташкilotлар фаолиятида мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатлар бор-йўқлиги ҳамда «Темир даф-

тар»га киритилган теримчилар билан тузилган уч томонлама шартномалар ўрганилди.

Ишчи гуруҳ томонидан саккизта ҳолатда камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги «Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳ ҳудудда ўрганишлар олиб борди.

## ТАШҚИ РЕКЛАМА ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ЎРГАНИЛДИ

Ишчи гуруҳ аъзолари вилоят Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси ходимлари билан биргаликда туманининг марказий кўчалари бўйлаб жойлашган ташқи реклама воситалари бўйича хатлов ўтказишди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Жумладан, туманининг Тошкент йўли, Бек шоҳ, Мустақиллик кўчаларидаги хусусий тадбиркорлар томонидан ўрнатилган 32 та 6х3 ҳажмдаги ташқи реклама объектлари (билборд) ярқисиз ҳолатда келиб қолган. Шунингдек, 25 та ҳолатда ташқи реклама конструкцияси қонунга хилоф равишда, туман ҳокимлиги рухсатисиз, ўзбошимчилик билан ўрнатилгани маълум бўлди. Юқоридаги ҳолатларни

бартараф этиш бўйича ташқи реклама конструкциялари эгаларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талаблари тушунтирилиб, ёзма ва оғзаки огоҳлантириш берилди. Айни пайтда мазкур жойларда демонтаж ишлари олиб бориляпти.



Айрим кўчалардаги эълонлар, номлар ва реклама воситаларига қирмайдиган бошқа турдаги ташқи



ёзувларни имловий хатолар билан ёзиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шу боис, ташқи ёзувларни ўзбек адабий тили қоидаларига риоя этган ҳолда расмийлаштириш борасида аҳолига тушунтиришлар берилмоқда.

## Пресс-тур

Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси Бўстонлик туманидаги дам олиш масканларини ижарага олиш тўғрисида ишончли маълумотларнинг янги хизмати – ogom.uz ягона электрон платформасини ишга туширди.

Унда ҳудуднинг энг машҳур ва хушманзара – Сижжак, Бўстонлик, Юсуфхона, Солик ва Дўстлик кўрғонлари кўрсатилган.

– Ижарага берувчилар ogom.uz сайтига ижара объектлари ҳақидаги маълумотларни бепул жойлаштиради, – дейди вилоят ДСБ бошлиғи ўринбосари Султон

Ўзнинг иссиқ кунни ҳам, қишнинг соғуғида ҳам пойтахт аҳолиси Тошкент вилоятининг дам олиш масканларига боришни

хуш кўради. Аммо, қаерга борсам арзонроқ, одамлар камроқ ёки қандай жойлашаман, деган савол кўпинча ҳаммани қийнайди.

# СОЛИҚ ИДОРАСИ – ТАДБИРКОРГА КўМАКЧИ

дан бошлайди. Солиқчи борганда, уйда дам олувчилар бўлса ва уй эгаси буни яширган бўлса, жавобгарлик масаласи кўрилади.

Бу ҳақида Давлат солиқ қўмитаси «Солиқ идораси – тадбиркорга кўмакчи» мавзуда ташкил этган пресс-турда маълум қилинди.

Унга кўра, тажриба даврида жисмоний шахслар ижарага берадиган дам олиш уйлари, дала ҳовли, яқка тартибда қурилган уй-жойлар ва яшаш учун мулжалланган тураржойлар, сув транспорти, сўри ва шунга ўхшаш дам олиш объектлари жисмоний шахсларнинг даромад манбаи сифатида рўйхатга олинди.

Ҳозирда туманининг Фазалкент шаҳри, «Дўстлик», «Сижжак» ва «Новобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида 4 та солиқ таянч пункти ташкил этилган. Уларда фаолият юритадиган ходимлар ўшбу қарорда кўрсатилган ва солиққа тортиладиган кўчар ва кўчмас мулк объектларини ҳисобга олади.

Жисмоний шахслар барча дам олиш объектларини махсус гувоҳнома асосида ижарага бермоқда. Мазкур гувоҳнома солиқ органларининг таянч пунктларида мулк эгасига бепул тақдим этилди.

– Туман ҳудудидаги 59 та маҳалла фуқаролар йиғини 4 та солиқ таянч пунктига тақсимланиб, 30 нафар солиқ ходими бириктирилди, – дейди туман ДСИ бошлиғи Зариф Зокиров. – Тошкент вилояти давлат солиқ органлари ходимларидан иборат 200 кишилик ишчи гуруҳи тузилиб, 16 минг 645 та объект хатловдан ўтказилди. Натижада, 22 сентябрь ҳолатига дала ҳовли ва айрим мол-мулк объектларини ижарага бериб даромад олаётган 4 минг 375 та солиқ тўловчи ҳисобга олинди. Улардан 4,7 миллиард сўм миқдорда солиқ ундирилди.

Шундан, Ягона электрон платформада 3 минг 744 та ижарачи рўйхатга олинди, 3 миллиард сўм даромад солиғи ундирилди. Утган йили 1 минг 282 та ижарачи 1197,3 миллион сўм тўлаган. Фарқ деярли 3 баравар.

Пресс-турда ОАВ вакиллари тумандаги бир қатор дам олиш масканларида бўлиб, янги тизим афзалликлари ҳақидаги маълумотлар билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз



Обидов. – Мижозлар дам олиш объектини масофадан туриб танлаши, банд қилиши ва улар учун тўловни амалга ошириши мумкин. Тўлов амалга оширилгандан сўнг, дам олувчининг электрон почтасига банд қилинганлик ҳақида хабарнома юборилади. Дам олувчилар сайтда рўйхатдан ўтиб объектларни танлаши ва банд қилиши, шунингдек, уларни турли мезонлар бўйича баҳолаб, шарҳлар қолдириши мумкин.

Ҳозирда 3 минг 700 дан ортиқ дам олиш объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг қайсиниси банд ёки бўшлиғи дастурда акс этиб туради. Бунда ёлгон ва ростни ажратиш жуда осон.

Мисол учун, уларнинг мингтаси бўш бўлса, назоратчилар текширишни шулар-



Қайд этиш керак, бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2020 йил 1 майдан 2021 йил 1 майгача Бўстонлик туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартибини жорий этиш борасидаги вазифалар самараси.





# «Шова»да АНОР ПИШДИ!



«Шова» маҳалласи Бекобод туманининг чекка ҳудудида жойлашган. Маҳаллада 3 минг 635 нафар аҳоли истиқомат қилади.



силга қирган 15 туп анор фарқ пишиб, кўзи қувонтирмоқда. Мўъжазгина анорзор ҳовлига файз киритибгина қолмай, яхшигина даромад ҳам келтирмоқда. Айни кунларда Нурали ака анорнинг серҳосил, да-наксиз кучатларини қупайтириш тараддудида. Шунингдек, томорқадаги иссиқхонада бодринг ҳам парваришланмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

— Сўнги йилларда аҳоли томорқадан унумли фойдаланишни ўрганди, — дейди маҳалла раиси Элдор Омонликов. — Айни пайтда маҳалламиздаги 746 та томорқа эгалари сердаромад экинлар экиб, мўл ҳосил олишмоқда. Жумладан, Нурали Тошбоев томорқасида боғ барпо этган. Айниқса, шу кунларда ҳо-

## 21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Тил — давлат тилсоли, мулк.  
Тилни асраш, ривожлантириш — миллатнинг юксалиши дерак.

# МИЛЛАТИ ва ЖАМИАТИ ТАЯНЧИ



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва нуфузини ошириш борасида ҳар бир соҳада ниятда муҳим ўзгаришлар, янгиланишлар амал оширилмоқда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ҳам ушбу йўналишда жадал ислохотлар йў-

га қўйилиб, ҳужжат алмашинув ишлари тўлиқ давлат тилида олиб борилмоқда. Вазирликка қарашли барча ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфий ташкилотларнинг пешлавҳалари, бинонинг ички ва ташқи ёзувлари тўлиқ лотин алифбосида бўлиши, ижтимоий тармоқлардаги барча саҳифалар, интернет сайтларида

ҳам давлат тилидаги қонун ҳужжатлари-га амал қилиниши таъминланмоқда.

Шунингдек, тизимда давлат тили тарғиботи қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам олиб борилмоқда. Соҳа ходимларининг давлат тилида иш юритиш бўйича малакасини мунтазам ошириб бориш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида ташкил этилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, вазирлигимиз кўпгина халқаро ташкилотлар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ташқи миграция агентликлари билан бевосита ҳамкорлик қилади ва мазкур йўналишлардаги ишлар халқаро меъёрларда белгиланган тартиб асосида олиб борилиши назоратга олган.

Мухтасар айтганда, тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мақомини юксалтириш, ёш авлодни она тилимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Гуллола ИСОҚОВА,  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тилини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси

## «АМИРСОЙ»: ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ҚИЗИҚАРЛИ ШОУЛАР



Ўзбекистонда илк марта «Amirsoy Mountain Resort» тоғ-чанги курорти ҳудудида автомобиль ихлосмандлари учун катта байрам — Авто-мото фестивали бўлиб ўтди.



«Uzbekinvest», «UzAvtoMotors», «Adrenaline Rush» ҳамда бошқа бир қатор компаниялар ҳамкорлигида ўтказилган икки кунлик фестивал ҳаётини тезлик ва машина бошқаришсиз тасаввур қила олмайди-ганлар учун катта шоуга айланди. Унда 150 дан ортиқ машиналар, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг мотоцикллари, транспортларнинг энг арзонидан тортиб, энг қimmatига-ча, энг «кекса»ларидан тортиб, энг янгилигача намойиш этилди. Шунингдек, фестивалда кўпчилики қизиқтирган тежамкор янги авлод электромобиллари ҳам қатнашди. Юртимиз бозорларига ўтган йилнинг декабрида кириб келган бу автомобилдан ҳозиргача 15 донга сотилибди. — Фестивалда янги электромобиль машиналарини намо-

Ўз мухбиримиз

Охириги йилларда футбол бўйича ички чемпионатларимизда рақобат деярли йўқ эди. Хусусан, Суперлигамизнинг охириги декадасида пойтахтнинг 3 клуби — «Пахтакор», «Бунёдкор» ва «Локомотив» чемпион-

ликни қўлга киритишган. Шу йиллар мобайнида вилоят жамоаларидан фақатгина Қаршининг «Насаф»и уларга муаммо туғдирар, қолган клублар бўлса чемпионатда шунчаки «кўргазма» бўлиб туришганди.

## Вилоят футболи

## ЎЙҒОНМОҚДА(МИ)?



Бироқ, сўнги пайтларда вилоятимизда ҳам футбол борасида яхши муждалар қулқоқ чалиниб, ҳаракатлар сезилаёттир. Бунга мисол тариқасида «ОКМК» жамоасининг 2018-2019 йилги Осиё чемпионлар лигасининг 3-саралаш босқичига қадар етиб боргани, 2019 йилги Ўзбекистон кубогига эса вице-чемпионга айланганини айтишимиз мумкин. Жорий йилги чемпионати-мизда ҳам таркибини сезиларли даражада кучайтириб олган ушбу клуб ажойиб тарзда иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Суперлигасининг 1-даврасида мағлубият аламини татиб кўрмаган ягона жамоа айнан «ОКМК» бўлди. Клуб ҳозирда турнир жадвалида 2-погонани банд этиб, чемпионлик учун курашмоқда.

Суперлигада иштирок этаётган яна бир жамоамиз «Металлург» клубидир. Бекободликлар ҳам охириги 2-3 йилда қоқоқликдан чиқишга ҳаракат қилишмоқда. Таркибида миллий термаимизнинг бир қанча собиқ ўйинчиларини жамлаган ушбу клуб ҳам жорий йилги чемпи-

онатда анчагина савияли футбол намойиш этиб, «Бунёдкор», «Локомотив» каби жамоаларни ортда қолдирган ҳолда турнир жадвалида кучли бешликдан жой олиб турибди.

Юқоридаги икки жамоанинг мазмунли ўйин кўрсатиши Суперлигада рақо-

батнинг кучайишига хизмат қилади. Авваллари терма-мизга асосан пойтахт жамоалари ва Қаршининг «Насаф» клубидан ўйинчилар жалб этиларди. Ҳозирга келиб ушбу рўйхатга «ОКМК», «Металлург», «Кўкон-1912», Жиззахнинг «Сўғдиёна» каби жамоалари қўшилгани қувонарли ҳол, албатта.

Дарвоқе, юртимиз мезбонлик қиладиган футбол бўйича ўсимлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг бир қанча баҳслари Олма-ликдаги марказий ўйингоҳда ўтказилади. Бу ҳам вилоят футболни ўйғонаётганидан дарак, назаримизда. Умида қиламизки, вилоятимизга ҳам яқин йилларда Осиё чемпионлар лигаси нафаси кириб келади.

Суҳробжон САДИРОВ  
Тошкент ҳақиқати/

## Шанба ҳикмати



## НАФАС Неъматини

Дунёда бебаҳо неъматлар бисёр, Барчаси, шубҳасиз, Тангри тухфаси. Уларнинг ичиде аълоси минг бор, Беминнат олинган инсон нафаси. Оддий ҳаво дея кўзга илмбамиз, Нафас неъматининг қадрин билмабмиз.

Қирқ кунки кўлимга қалам олмамман, Тан билан жон аро талашда бўлиб, Яралмоқ илмига назар солмамман, Ҳақнинг ҳукми ила синашда бўлиб, Нечук яралганга парво қилмамман, Нафас неъматининг қадрин билмабмиз.

Тўрт унсур — оламда ҳаёт асоси, Сув билан оловдир, тупроқ ва ҳаво. Тўрт гаҳвар — одамзот умрин сафоси, Улардан яратган бандани Худо, Яшаш қувончига жонни чирмамман, Нафас неъматининг қадрин билмабмиз.

Бири кам дунёни тўлдирмоқ қийин, Ҳамиша баланддир борнинг баҳоси. Болам деб ётларга эгамиз бўйин, Лек кимга бурди дунё баҳоси? Ақл етакласа елдек елмамман, Нафас неъматининг қадрин билмабмиз.

Завқу шавқ тури ҳам оламда бисёр, Албатта, бахт эрур — шодликда яшаш. Ким илм, ҳикмат дея чекса гар озор, Ўзганинг хумори — завқ билан ошаш. Нафсимиз не деса дарвор илгамман, Нафас неъматининг қадрин билмабмиз.

Эй кўнглим, огоҳ бўл, огоҳ бўл, огоҳ, Ахир, ўлчовлидир ҳар битта қадам. Жиддий синовларга дуч келсанг ноғоҳ, Фақат Ҳақдан сўра сабр ва чидам. Тирик ҳар дамнингнинг шукрини қилгин, Нафас неъматининг қадрини билгин.

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

## Яхши хабарлар

### МАҲМУД МУРОДОВГА бас келадиغان борми?

24 октябрь куни UFC ташкилоти БААнинг Абу-Даби шаҳридаги «Жанглор ороли»да яна бир кечани ташкиллаштирмоқда. Ушбу кечанинг марказий жанги UFC чемпиони Ҳабиб Нурмагомедов ҳамда америкалик Жастин Гетжи ўртасида бўлиб ўтади. Маълумот учун, дунё рейтингда Ҳабиб Нурмагомедов 2-урини, америкалик жангчи эса 8-урини банд этишган.

UFC да иштирок этадиган ягона ҳамюртимиз Маҳмуд Муродов ҳам 30 октябрь куни АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида польшалик Криштоф Жоткога қарши навбатдаги жангини ўтказади. Маълумот учун ҳамюртимиз шу кунга қадар UFCда 2 та жангда иштирок этиб, барчасида галаба қозонган. Унинг бўлажақ рақиби эса 26 марта октагонга чиқиб, 22 марта галаба қозонган ва 4 марта мағлуб бўлган.

### Бунақаси ҳали бўлмаган: ШОМУРОДОВ «А» СЕРИЯДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Элдор Шомуродов Италиянинг «Женоа» клубига ўтди.



Италияликлар Ўзбекистонлик форвард учун Россиянинг «Ростов» клубига турли бонуслар билан кўшиб ҳисоблаганда 9 миллион евро тўлашади ва футболчи билан 4 йилга мўлжалланган шартнома тузишади. Ҳужумчимиз италян клубида 9-рақамда ҳаракат қилади.

<p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p>	<p>Муассис: <b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ</b> ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Ғайрат</b> ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Қабулхона: (71) 233-64-95 Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10 Масъул котиб: (71) 233-90-82 Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10</p>	<p>Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.</p> <p>Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир <b>Кумуш</b> ЭГАМБЕРДИЕВА</p> <p>Назоратчи мусаҳҳиҳ <b>Аллома АЗИЗОВА</b></p> <p>Навбатчи <b>Шаҳриёр</b> ИБРАГИМОВ</p>
	<p>Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-1043, 4 222 222да чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.</p>		<p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. <b>Электрон почта:</b> toshkenthqiqat@gmail.uz</p>		<p>ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6</p>